

Судланганлик муддати ўтиб кетганлиги аниқланмаганлиги суд қарорларини ўзгартирилишига сабаб бўлди.

Жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят судининг 2007 йил 28 августдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган, шу суднинг 2007 йил 30 июлдаги ҳукмига кўра, К.га Жиноят кодексининг 273-моддасининг 5-қисми билан 10 йилга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, Жиноят кодексининг 34-моддаси 3-қисмининг «а» бандига асосан ўта хавфли рецидивист деб топилган, жазони махсус тартибли колонияларда ўташи белгиланган.

Биринчи ва апелляция инстанцияси судлари К.нинг ҳаракатларини тўғри квалификация қилган ва унга қонун доирасида жазо тайинлаган. Бирок К.нинг муқаддам Уйчи туман судининг 1997 йил 15 майдаги ҳукмига мувофиқ, Жиноят кодексининг 142-моддаси билан 2 йил, 118-моддаси 3-қисмининг «а» банди билан 10 йил, Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида 10 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган бўлиб, 2001 йил 22 августдаги амнистия актига асосан, 2001 йил 10 октябрда жазодан озод қилинганлиги ва кейинги жиноятни жазодан озод қилингандан сўнг 4 йил ўтгандан кейин содир этганлиги сабабли унинг судланганлик муддати ўтиб кетганлигига эътибор бермасдан, К.ни ўта хавфли рецидивист деб топиб, унга нисбатан жазони махсус тартибли колонияларда ўташни белгилаб хатога йўл қўйган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг:

34-моддасида шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш тўғрисидаги масала ҳал қилинаётган вақтда қонунда белгиланган тартибда судланганлик муҳлатларининг ўтиб кетганлиги ёки олиб ташланган судланганлиги инобатга олинмаслиги;

77-моддасида суд томонидан жазодан озод қилинган шахс судланмаган деб ҳисобланиши, судланганлик муддатининг ўтиб кетганлиги ёки судланганликнинг олиб ташланиши муносабати билан унинг барча ҳуқуқий оқибатлари бекор бўлиши;

78-моддасида беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин — тўрт йил ўтгач, шахснинг судланганлик ҳолати тугалланиши;

80-моддасида агар шахс тайинланган жазодан қонунда белгиланган тартибда муддатидан илгари озод қилинган ёхуд жазо енгилроғи билан алмаштирилган бўлса, судланганлик муддати муддатидан илгари озод қилинган ёки енгилроғи билан алмаштирилган жазонинг амалда ўтаб бўлинган қисмидан ҳисобланиши назарда тутилган.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати 2008 йил 11 сентябрда Б.га нисбатан чиқарилган суд қарорларини ўзгартириб, Б.ни ўта хавфли рецидивист деб топиш қисми бекор қилинди ва Б.га тайинланган махсус тартибли колония тури умумий тартибли колония турига ўзгартирилди.

ЖСҲ-208-08

